



2-саян газб-хүчээр эзлэгээ

**HUDUDGAZTA'MINOT**

**HGT**

AKSIYADORLIK JAMIYATI

**ТАБИЙ ГАЗНИ УЛГУРЖИ  
ИСТЕЬМОЛЧИЛАРГА  
ЕТКАЗИЙ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ  
ШАРТНОМАСИ**

**№ 10**

Сандижон 2022 йил

Табиий газниг улгуржи истеъмолчиларга етказиб беринш ва кабул қилиши  
ШАРТНОМАСИ

2022 йил "21" ой

10-сон Марказиат түснек  
(шартнома тузилган жой)

Низом асосида фаолият юритувчи Д.Салокиддинов  
(Истеъмолчи номи)  
(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), раҳбари Ч.Киёсатбеков  
бир

томондан ҳамда Низом ва 2020 йил "23" 06.01.19.20 да берилган 3020-сонли  
ишончнома асосида фаолият юритувчи "Худудгаразмикот" АЖ Аддижон газ  
тъминоти филиали (газ тъминоти ташкил-ети номи) (кейинги ўринларда "Етказиб  
берувчи" деб аталади), раҳбари Д.Х.Салокиддинов иккичи томондан, куйидагилар  
тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

### І. ШАРТНОМА НРДДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоклари оркали Истеъмолчининг  
келишилган буортмаломаси бўйича табиий газ (кейинларда ўринларда газ деб аталади)  
тъминоти мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига упibu шартноманинг  
етказиб беринш маҳсулотини олади. Истеъмолчи таъминоти ташкил-ети (кейинги ўринларда "Етказиб  
берувчи") деб аталади), раҳбари Д.Х.Салокиддинов иккичи томондан, куйидагилар  
тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

1.2. Етказиб берувчи газни улебу шартномага ва газлозитириш лойиҳасига мувофиқ,  
газдан фойдаланиш учун стандартлантирилган ва сертификатга эга газ курилмалари,  
шунингдек, электрон газни хисоблаши приборлари (кейинги ўринларда хисоблаши  
приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган меъбрларга (Табиий газдан  
фойдаланиш коидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки  
курслаништаги хизмат) ишбетан келгуси йилда газга асосланган эктийёни таҳдим этади.  
Истеъмолчи жорий йилинг 15 июн кунига кадар келгуси йилда истеъмол

куниниши таҳмин килинётган газ ҳажми бўйича буортма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буортма бўйича етказиб бериладиган  
газ ҳажми техник шартларда белгиланган босим ва ҳажмида 20 йилда \_\_\_\_\_  
куб.м, нарихи \_\_\_\_\_ минг сўмни ташкил қиласди, жумладан чораклар ва ойлар  
бўйича куйидагича таксимланади:

I чорак	<u>77200</u>	минг куб.м, январь	<u>30300</u>	февраль	<u>30300</u>	март	<u>16600</u>
II чорак	—	минг куб.м, апрель	—	май	—	июнь	—
III чорак	—	минг куб.м, июль	—	август	—	сентябрь	—
IV чорак	—	минг куб.м, октябрь	—	ноябрь	—	декабрь	—

Етказиб берувчи томонидан хизматларни тўлиқ ҳажми кўрсатиш учун магистрал  
ва газ таксимоти тармокларининг ишланиши издан чиқсан таҳдирда, Узбекистон  
Республикаси Вазирлар Мажхамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон карорида кайд  
етилган стратегик ва ижтимоий аҳамиятига эга Истеъмолчиларга 20 йилда зарур будган

табиий газниг минимал ҳажми \_\_\_\_\_ минг куб метрия, шу жумладан чораклар  
ва ойлар бўйича куйидагини ташкил қиласди:

I чорак	минг куб.м, январь	февраль	март
II чорак	минг куб.м, апрель	май	июнь
III чорак	минг куб.м, июль	август	сентябрь
IV чорак	минг куб.м, октябрь	ноябрь	декабрь

1.5. Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлининг буортмаломани таҳдим этмаса,  
Етказиб берувчи томонидан чорак учун ажратилган табиий газ ҳажми ойлар бўйича бир  
мил микдорда таксимланади.

1.6. Етказиб берувчи Истеъмолчи буортмаларини табиий газ ресурсларининг ва  
газни таснифлашнинг тасдиқланган балансига мувофиқ ажратилган ҳажмлар доирасида  
кайта кўриб чиқиши мумкин. Истеъмолчи томонидан набатдаги ой (чорак) учун  
кўрсатилган табиий газ ҳажмлари ўзгариши бўйича 10 кун оддин газ тъминоти  
ташкилотига хабар берган тақдирда, бундай холат ортиқча олинган газ микдори деб  
хисобланмайди.

### П. ГАЗНИГ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу шартномада кайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва ҳажмларда ҳамда  
ГОСТ 5542-2014 (Саноат ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёнувчи газлар) га  
мувофиқ тарздаги табиий газни етказиб берилади.

2.2. Истеъмолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларига  
асосан жорий ой учун газ истеъмолининг суткалик мебёри доирасида газ кабул килиб  
олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб беринш ва кабул килиш  
далолатномасини имзолайди.

2.3. Етказиб берувчи Истеъмолчига 24 соат ичидаги газ етказиб беринш ва кабул килиш  
тартиби ва шартлари ўзгартаганда тўғрисида барча усуслар оркали Истеъмолчини  
хабардор килиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телефон ракамлари:

74-3912204

Истеъмолчи манзили ва телефон раками:

99-9710429

2.4. Етказиб берувчи Истеъмолчини газ етказиб беринш кискартирилишига кадар  
камидаги 24 соат аввал бу ҳакила хабардор килиши шарт, магистрал газ қувурларида юз  
берган авария холатлари бундан мустасно. Истеъмолчи хабардор килингандан кейин газ  
етказиб беринш дарҳол кискартирилади ёки тўхтатилади.

2.5. Магистрал ва таҳсиловчи газ қувурларининг технологик иш режимлари  
бузилгана, шунингдек, куз-киш мавсумида ижтимоий сода обьектларини ва аҳоли  
истеъмолчиларини бир маромод табиий газ билан таъминлаш мақсадида Етказиб берувчи  
Истеъмолчини огохлантирган холда газ етказиб беринши чеклаши ёки тўхтатиб кўйиш  
хукукига эга. Истеъмолчи эса захира ёкилги туридан фойдаланишга ўтади.

2.6. Истеъмолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб беринш-кабул килиш доирасида  
тезкор маълумотларни мунтазам алмасишини таъминлаш учун жавобгарликни ўз  
зиммасига олади.

2.7. Истеъмолчи захира ёкилги туридан фойдаланишни кўзда тутиши ва уни етари  
микдорда (3 ойдан кам бўлмаган муддатга) шакллантириши шарт. Истеъмолчи Етказиб  
берувчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш коидаларига мувофиқ  
захира ёкилгига ўтиши ва газдан фойдаланишни тўхтатиши лозим. Газ етказиб бериншинг  
тўхтатилиши тегиши далолатнома билан расмийлаштирилади.

2.8. Истеммолчи ўзига тегиши бўлган газ тармоклари ва уларда ўрнатилган ускуналар, ГПП (га таксимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз холда фойдаланиш, уларни хизмат кўреатиш хамда саклаш учун жавобгар хисобланади.

2.9. Истеммолчининг кўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, реконструкция юзчизини ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш хажми ўзгаришига олиб келгани холиҳарда, Истеммолчи Етказиб берувчидан кўшимча газдан фойдаланиш олиб келгани холиҳарда, Истеммолчи Етказиб берувчидан кўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция килишга техник шартларни олиши шарт. Газ тармокларига уланиш Табиий газдан фойдаланиш коидаларига мувофиқ амалга оширилади.

2.10. Истеммолчи ёки Етказиб берувчининг тўлов реквизитлари ўзгарган холатларда улар зудлик билан бир-бирини бу хакида хабардор килиши шарт.

2.11. Табиий газни казиб олиш, кайта ишлаш, узатиш, таксимлаш ва истеммол килиш режимиининг ягона узлуксиз технологик жараёнини хисобга олиб, табиий газни Ишлаб чиқарувчи ва Етказиб берувчининг талабларини бажариш Истеммолчилар учун мажбурий хисобланади.

### **III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ХИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

3.1. Газни хисобга олмасдан етказиб беришга йўл кўйилмаиди.

3.2. Етказиб берилган газ микдори газ тармоклари бўлинини чегарасида ўрнатилган хисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекси бўйича аниқланади хамда ҳар иккни томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва кабул килиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоги бўлинини чегараси (Истеммолчи балансида бўлган газ тармогининг боштаниши хисобланаб) Етказиб берувчи ва Истеммолчи ўртасидаги, тегишилини бўйича аниқланадиган газ тармоги бўлинини нуткаси хисобланади ва унда хисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

3.3. Бирлик микдори стандарт шароитда 1 м<sup>3</sup> газ олиниди: харорат 20° С, босим 101,325 кРа (760 mmHg) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандига асосан). Газ хажми газнинг физик-химёвий параметрлари (стандарт шароитда, азот ва карбонат ангидрид) кийматлари бўйича тузатилади.

Газ микдори “Ўзстандарт” агентлигининг месърий-хукукий хужжатлари талабларига мувофиқ газ микдорини стандарт шароитга автоматик равишда келтирадиган газни хисоблаш приборлари ёрдамида аниқланади.

3.4. Етказиб берувчининг ёки Истеммолчининг балансида бўлган газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси унинг мулки хисобланади.

3.5. Истеммолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси танилови тегиши коидалар ва месъёрларга мувофиқ амалга оширилади ва Етказиб берувчи билан келишилади. Истеммолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси газ истеммолни хисобга олиш ва назорат килишининг автоматлаштирилган тизим (ПХНАТ-АСКУТ) ларига уланиши лозим.

3.6. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексини ўрнатиш ва ишлатиш амалдаги коидалар ва месъёрларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

3.7. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекси эгаси уни ишлатиш давомида O'z DSt 8.030:2008 “Ёқилги ва энергия. Хисобга кўйиладиган умумий талаблар”, O'z DSt 8.031:2008 “Ёқилги ва энергия. Ўлчаш приборлари билан жиҳозлаш ва уларни ишлатиш” давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя килиш.

3.8. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тасифлари амалдаги месъёрлар ва коидаларга мувофиқ бўлиши керак.

3.9. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари “Ўзстандарт” агентлигининг жорий киёслов кўригидан ўтказилган сертификати ва/ёки метрологик аттестациясига эга бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг киёслов кўриклари ва/ёки метрологик аттестациясидан ўтиш даврини “Ўзстандарт” агентлиги белгилайди.

Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари эгаси газ ўлчаш приборлариги киёсов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексларини (ва унинг тарзибий юнусларини) “Ўзстандарт” агентлиги метрологик аттестациядан ўтказишининг ўз вактида бажарилиши учун масъуллариди.

3.10. Режалаштирилган ишларининг бир юксин сифатида (киёслов кўриги/калибрлап, торайтиш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг кисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эктиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари ишпирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг кисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги месъёрлар ва коидаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакил) томонидан амалга оширилади.

3.11. Режалаштирилган ишларининг бир юксин сифатида (киёслош кўриги/калибрлап, торайтиш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг кисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эктиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакислари ишпирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг кисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги месъёрлар ва коидаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакил) томонидан амалга оширилади.

Етказиб берувчининг вакилини газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексининг эгаси чакиради.

3.12. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларини модернизация килиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашниң бошка усуаларини ташлаш масалалари Етказиб берувчи билан келишилади.

3.13. Газнинг физик-химёвий параметрлари (стандарт шароитдаги зичлик, азот ва карбонат ангидрид) газ ўлчаш приборининг конфигурациясига киритилади.

Газ ўлчаш приборининг эгаси газнинг физик-химёвий параметрларини ўз вактида газ ўлчаш приборини конфигурациясига киритишни таъминлайди. Етказиб берувчи Истеммолчи газнинг физик-химёвий параметрларини ўз вактида етказиб берилишини таъминлайди.

3.14. Етказиб берувчи ўзининг тамгаларини газ ўлчаш приборларига ва/ёки ўлчаш комплексининг газ хисмани ўлчашга таъсир киладиган кисмларига Истеммолчи ишпирокида ўрнатеди ва тегиши далолатнома тузилади. Ўрнатилган тамгаларни бутдилига Истеммолчи жавобгардир.

3.15. Етказиб берувчи Истеммолчининг газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларини ва уларнинг тарзибий кисмларининг тўғри ишлашини кузатиш хукукига эга. Шу билан бирга, Истеммолчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Етказиб берувчи вакилларининг ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчаш комплексларига тўсиксиз киришини таъминлайди.

3.16. O'z DSt 8.586.(1-5)-2005 бўйича ўлчаш комплекси ва ўлчаш приборлари ишида гайритабиий холатлар юзага келган тақдирда O'z DSt 8.064:2017 бўйича газнинг

мнодори хисобтаси (корректировка). Улчаш қуралмаси ва ёки ўлчаш комплекси фаолиятнига рухсатла аралашни холатлари бўйдан мустасно.

3.17. Олдиши газ учун хисоб-китоб, куйдаги холларда тамгаланмаган газдан фойдаланиши ускунасининг 24 соат давомидан ишлаб турини хисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни хисобга олмаган холда газ истемоли – газни хисоблаш прибори ва газни сарф килиш норичи бўлмагандан, газни хисоблаш приборини четлаб ўтган холда истемол килиш (ноконуний байнес линиялари уланганда) охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан аникланган кунгача, лекин дарво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

б) хисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартирилганда - охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, лекин дарво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

в) хисобга олиш прибори бузилганда (хисобга олиш прибори бузилганини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлганда) – шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларини инобатта олган холда бир хисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вактга;

г) хисобга олиш прибори мавжуд бўлмагандан – киёслов кўргидан ўтказиш учун ечишганда – хисобга олиш прибори ечишган кундан "Ўстандарт" агентлигидан киёсловдан ўтказилб. сертификат олинниб жойнига ўринатилган кунгача бўлган вактга;

д) хисобга олиш приборини киёслов кўргидан ўтказиш ва ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш муддати тутаганда – киёслов кўргидан мавжуд бўлмагандан тутаган кундан киёслов кўргидан ўтказиш муддати тутаганда – киёслов кўргидан ўтказиш учун ечишган кунгача бўлган вактга;

е) хисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг қисмларига ўринатилган тамғатарнинг бутлиги бузилганда – охирги кўрик ёки газ тъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вактдан бошлаб, лекин бир хисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вактга;

ж) хисобга олиш приборини ўзбоҳимчалик сиб кўйилганда – охирги кўрик ёки газ тъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вактдан бошлаб аникланган кунгача бўлган вактга;

з) газни тарқатиш тармокларининг технологик режимини бузадиган газ куурларнда ёзи ГППларидан асбоб-ускуналар ўринатилганда - охирги кўрик ёзи газ тъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вактдан бошлаб аникланган кунгача бўлган вактда;

и) Газ хисоблаш ускунасининг конфигурацияларига ноконуний тарода ташки тасъир кўрсатган холда табии газни истемол килиш холатлари аникланганда- ташки тасъир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув кунини ва фактини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлса), бирок дарво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатта;

к) хисобга олиш приборининг хотирасида сақланадиган архив маълумотларини йўкотиш газ ўлчалини автоматласситирилган тизимидан хисобот ойида маълумотлар олиш имкони бўлмагандан ёки етказиб берувчининг оператив журнallаридан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда (Хисоб-китоб учун ТХНАТ (АСКУТ) тизими жорий килинган истемолчиларда хисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган холларда истемол килинган табии газ хажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТХНАТ тизимида кайд этилган маълумотлардан силиниади);

л) газ истемоли хажмлари хисобга олиш приборининг рухсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортиқча бўлганида, пломбаланимаган газ жихозларидан фойдаланилган газ учун хисоб-китоблар охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, хатлов далолатномаси мавжуд бўймаганда эса – газ тъминоти ташкилоти вакили томонидан охирги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш хужжатларини расмийлаштирмасадан истемолчи томонидан кўшимча газ қуралмаси ўринатилган холати аникланганда (кўчимча газ анижомларини ўринатиб олиб фойдаланаёттаник факти бўйича асослантируви хужжатлар мавжуд бўлганида) - бир хисоб-китоб даврига;

3.18. Истемолчикинг хисобга олиш прибори газ хажмини пастки чегараси остида сар юлаганда, газ хажми хисобга олиш прибори ва ёки ўлчов комплексининг месърий-техник хужжатларида кўрсатилган ўлчовининг пастки чегарасида олиниади.

3.19. Етказиб берувчи томонидан етказиб бериладиган газ хажмининг ишончилигинга тасъир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборларининг ишлами бузилган холатлар аникланганда, Етказиб берувчи "Ўстандарт" агентлиги бўлинмаларида ўлчов комплекслари ва газни хисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб килиш ҳутуцага эга.

Агар ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборлари носод бўлса, экспертизадан ўтказганилик утун тўловлер Истемолчи томонидан, соз холатда бўлгандан эса – экспертиза ўтказилиши талаб килган Тароф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар хисобга олиш прибори ишдан чикканда ёки хисобга олиш приборидан газ сизиб чикиш холатлари аникланган тақдирда Истемолчи 24 соат ичидан Етказиб берувчига бу хакд: хабар берниши шарт. Шунингдек корхонадаги газ ишлатадиган асбоб-ускуналарни ишланиши тузилиши графикини тузилиши ва ишламайлигани Етказиб берувчи билан биргаликда ўчириб тамгаланишини таъминлаши шарт.

3.21. Хисобга олиш приборларида газ сизиб чикиш холати аникланган тақдирда кайта хисоб-китоблар охирги кўрик ёки газ тъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вактдан бошлаб аникланган кунгача, лекин дарво муддатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади.(O'z DS1 8.586 га кўра газни аниклаш тизимилари герметик холатда бўлиши керак).

#### IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ХИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШИ

4.1. Истемолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги конунчилликка мувофик белгиланади.

4.3. Истемолчи хисоб-китоб килиш даври бошланишидан камидан 5 кун олдин Етказиб берувчининг хисоб ракамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларida кўрсатилган ойлик газ хажми кийматининг 100 фоиз суммасини слдиндан тўлади.

Хисоб-китоб даври бошланишидан камидан 5 кун олдин хисоб-китобини 50 фоиз олдиндан ҳак тўлаши асосида амалга ошириш кошишини билдирган истемолчилар хисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб етказиб берилган табии газ учун 50 фоиз олдиндан ҳак тўлаши асосида хисоб-китоб килишга ҳастилид. Бундай холатларда истемолчилар хисоб-китоб даври бошланишидан камидан 5 кун олдин газ тъминоти ташкилотининг хисоб ракамига табии газ етказиб беришга тузилган шартномада кўрсатилган ойлик табии газ хажми киймати суммасининг 50 фоизи микдорида олдиндан ҳак тўлашлари шарт. Амалда истемол килинган табии газ хажми учун якуни хисоб-китоб хисобот ойининг охиригача амалга оширилади.

4.4. Истемолчи газ олдиндан тўловсиз етказиб берильмайди.

4.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истемолчи газ етказиб берилмайди (стратегик корхоналар ва ижтимоний ахамиятга эга истемолчилар бундан мустасно).

4.6. Истемолчи хар ойнинг 10 санасига кадар аввалги ойда истемол килинган газ учун якуний хисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.7. Стратегик ва жадимий аҳамиятга эга Истемолчилар хисоб-китоб килиш ойи тутагандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний хисоб-китобни амалга ошириллади.

4.8. Табиий газдан фойдаланишда Истемолчининг айби билан табиий газ етказиб бернишга шартномада кўрсатилганидан хажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблаглар кайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблаглар эса келгусида газдан фойдаланишда хисобга олинади.

4.9. Истемолчи томонидан табиий газ етказиб берниш учун тузилган шартномада белгилангандан кўп хажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишишмасдан газ олинган тақдирда, Истемолчидан шартномадаги хажмлардан ортиқча олинган газ юйматига инсабатан 1,4 коэффициент билан оширилган тўлов ундирилади.

Бунда, белгиланган тартибда хисоблаш приборини алмаштириш, таъмирилаш, хизмат кўрсатиш, текширни ва созигини мониторинг килиш учун сиб олиш, шунингдек, Истемолчига алоқодор бўлмаган турли хил (электр таъминоти носозлиги, чакмоқ, киска туташув ва х.)даги техник носозликлар аниқланганлиги сабабли истемол килинган табиий газ хажмини ўрнатилган газ асбоб ускуналарини тўлик қуввати бўйича хисоб-китоб килинши натижасида шартномадаги хажмлардан ортиқ хажмларни ташкил килган холатлар бундан мустасно.

4.10. Табиий газ учун Истемолчининг қарзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови хисобига ўтилган маблаглари Истемолчини хабардор килиган холда қарни коплашта йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида хисобга олинмайди.

4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ киймати ўз вактида тўланмаганди. Истемолчи муддати ўтган хар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи майда, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миндерда пена тўлади.

4.12. Хисоб-китоб ойда етказиб берилган табиий газ хажми Етказиб берувчи вакиллари томонидан табиий газ истемолини хисобга олиш прибордан кўрсаткичларни ёзиб олиш (ТГХНАТга уланган, шунингдек, табиий газни истемол килишини хисобга олиш приборларига эга бўлма - белгиланган месъбрлар бўйича хисоб-китоб килидиган истемолчилар будан мустасно) асосида, кейинчалик ёзиб олинган курсаткичлар Fossa тизимига киритиш, шунингдек, истемолчилар томонидан табиий газ истемолини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларни интерактив хизметлар воситаларидан фойдаланган холда киритиш орқали аниланади.

4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига кадар Етказиб берувчи томонидан хисоб-китоб ойи учун газ етказиб берниш-кабул килиш далолатномаси расмийлаштирилади. Расмийлаштирилган газ етказиб берниш-кабул килиш далолатномасига асосан истемолчига электрон хисобварак фактура юборилади.

4.14. Етказиб берувчи ва Истемолчи ўртасидаги хисоб-китобларнинг ҳақонийлигини таъминлаш учун хисобот даврида газни етказиб берниш-кабул килиш далолатномаси Истемолчидан қўйидаги техник хужожатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

а) газни хисоблаш прибори хотирасидан хисобот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;

б) Истемолчига тақдим этиладиган, Истемолчининг бўлиниш чегарасигача бўлган жойдаги газ тармоқлари ва ГТКлардаги технологик йўкотишларнинг ҳақми

тўғрисидаги далолатномалинг мавжудлиги; Бунда Истемолчи баласида бўлган газ тармоклари ва ГТКдаги технологик йўкотишлар Истемолчи хисобига олиб борилади.

4.15. Истемолчи ойнинг 7 кунидан кечкитирмасдан Етказиб берувчидан хисоб-китоб ойи учун газ етказиб берниш ва кабул килиш далолатномасини кабул килиб олади, имзолайди ва бир нусхасини Етказиб берувчига жўнатади. Расмийлаштирилган газ етказиб берниш-кабул килиш далолатномасига асосан электрон хисобварак-фактурани кабул килиади.

4.16. Табиий газни етказиб берниш-кабул килиш далолатномасини имзоламаслик ёки уни зътиrozлар билан имзолаш Истемолчини кўрсатиб ўтилган табиий газ хажмлари учун тўловлардан озод килмайди. Узатилган ёки кабул килинган газ микдорини аниқлашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс этишири йўли билан хисоб-китоб килиш ойи тутагандан кейин 10-кунгача бошка томонга бу тўргида маълум килиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Етказиб берувчи вакилига тақдим килади. Ушбу масалани ўзаро хал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чикилиши керак.

4.17. Истемолчидан дебитор карзларни ундириш Етказиб берувчи томонидан конунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.18. Газ узиб кўйилганидан сўнг ўбошимчалик билан кайта уланганда, истемол килинган газ хажми ва унинг киймати газ узиб кўйилган кундан бошлаб, уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичада тўлик қувват билан ишлаб туриши хисобидан аниқланади.

4.19. Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгарган тақдирда, Етказиб берувчи бу хакидаги ахборотни ўз беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор килади. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур шартнома ўз кучида колади, истемол килинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у конунда белгиланган тартибда кучга кирганидан сўнг амалга оширилади. Бунда истемолчи табиий газнинг аванс тарикасида тўланган хажми учун тўлов кунидан бошлаб кўпи билан кейинги 1 об кўшимча тўлов тўлашдан озод килинади.

## V. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Газдан фойдаланишда Истемолчи томонидан мазкур шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандда кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилиши, Етказиб берувчи ва Истемолчи вакиллари томонидан имзоланадиган ва иккиси нусхада тузиладиган далолатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофик Истемолчидан, фойдаланган газ хажми киймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олинади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандида кўрсатилган ҳолатларда газ хажми кийматининг ундирилиши Истемолчини конунчилликда белгиланган жавобгарликдан озод килмайди.

## VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ КЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛАНИШ ТАРИФИ

6.1. Истемолчидан куйидаги ҳолатларнинг мавжудлиги хамда ушбу холатларни боргари ётиштушига кадар газ тармоқларидан узиб кўйилади:

- шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганди;
- Етказиб берувчи вакилларини газдан фойдаланиш ускуналари ва хисобга олиш курилмаларини назоратдан ўтказнишга йўл қўйилмаганда;

- фойдаланилган газ учун хисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмаганлиги натижасида карздорлик мавжуд бўлганди;

- шартномада белгиланган буюртмаларга етарли микдорда олдиндан тўловлар амалга оширилмаганда;

- Етказиб берувчининг ва "Ўзнефтгазинспекция"нинг кўрсатмалари бажарилмаганда;

- хисоблаш приборларига касдан зарар етказилганда, прибор кўрсатчиларини ўзгартириш максадида уларнинг ишлашига тўсқинлик килувчи хатти-харакатлар амалга оширилган ҳолатларда;

- газни хисобга олиш приборларига ташки таъсир кўрсатишга харакат килиш;

- Газдан фойдаланиш коидаларига зид равиша газ тармокларига ишонуний уланиш ёки бошқа коидабузарликлар ёхуд газни талон-тарож қилиш ҳолатлари аникланганди;

Бунда Етказиб берувчи газ таъминотининг ўчирилиши натижасида етказилган моддий зарар ёки бой берилган фойда учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

6.2. Тармокка қайта уланиша амалдаги конунчиликка мувофик Истемолчидан базавий хисоблаш микдорининг ўн баравари микдорида ҳак ундирилади. Шартноманинг 13.1.-бандида кўрсатилган холлар буидан мустасно.

6.3. Газ истемолини хисобга олиш за назорат килишнинг автоматлаштирилган тизим (ТГХНАТ) ларига улантан истемолчиларни масофадан қайта улаш учун ҳак ундирилмайди.

## VII. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРНИЯТЛАРИ

### 7.1. Етказиб берувчи қуйидагиларга мажбур:

- ўзига карашли бўлган газ тармокларини соз ҳолатда саклаш ва уларни ўз хисобланган ташкиллаш-тикалш;

- ўз газ тармокларининг техник ҳолатини ва уларда рухсатсиз уланишларни аниглаш учун даврий кўздан кечириш;

- табиий газ етказиб бериш кискарсан ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида Истемолчиларни ҳабардор килиш;

- газ хисоблаш ускуналаридан олинган архив маълумотларни, электрон маълумотларининг барча параметрларини камидан уч йил мобайнида ўзида сакланишини таъминидаш;

- шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандларига кўрсатилган ҳолатлар содир этилганилиги ва ушбу ҳолатларни бартараф этилгунига қадар табиий газ таъминотини кўшишма огохлантиришлариз тармокдан ўчириш;

- табиий газнинг рухсатсиз истемол килинганилиги, газ тармоклари моддий бойликларининг талон-тарож қалинганилиги тўгрисида хукуки мухофаза килиш органларини ҳабардор килиш;

- Истемолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газни етказиб бериш;

- конунда назарда тутилган тартибда монополияга карши давлат органининг таҳдимотасига асосан шартномага ўзгартиришлар киритиш;

- Етказиб берувчи « ваколетли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бежарини;

11  
- техник хизмат кўрсатиш шартномаларига мувофик истемолчиларнинг ички газ тармоклари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтидан ўтказиш ва уларга профилактика хизмат кўрсатиш;

- табиий газ сизиб чиқишида — дарҳол;

- овқат тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига — бир кун давомида;

- иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига — бир кун давомида;

- иссиқ сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига (иситиш мавсумидан ташкири вактда) — икки кун давомида;

- Газдан фойдаланиш ускуналарини 5 сутка муддат ичиде алмаштириш;

Етказиб берувчи конунчиликка мувофик бошка мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### 7.2. Етказиб берувчи қуйидаги ҳукукларга эга:

- техник заруратга кўра, Истемолчини белгиланган тартибда ҳабардор килган ҳолда, табиий газни етказиб беришини кискартириш ёки тўхтатиш;

- газ таъминоти тармокларига рухсатсиз уланиш ҳолатлари аникланганда уларни белгиланган тартибда газ тармоғидан узиб кўшиш;

- Истемолчилардан табиий газдан фойдаланиш коидалари ва газни етказиб бериши шартномаси талабларига риоя этишини талаб килиш;

- табиий газни етказиб бериши шартномасини ижро килишдан конун ҳужжатларига мувофик бир томонлама воз кечиш;

- газ тармокларидан авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиди юзасидан кечикитириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзага келганди, Истемолчий билан келишмасдан ва уни огохлантиримасдан ҳамда зудлик билан ҳабардор киянган ҳолда, табиий газни етказиб беришини тўхтатиш ёки чеклаш;

- ушбу шартномада назарда тутилган ҳолатлафда, аникланган коидабузарликлар бартараф этилгунига қадар аввалдан огохлантиришган ҳолда газ етказиб беришини тўхтатиш.

- табиий газ етказиб бериши шартномасини бир томонлама бекор килиш.

### 7.3. Истемолчи қуйидагиларга мажбур:

- хисобот ойидан табиий газ етказиб бериши ва кабул килиш далолатномасини ва хисоб-варажасини расмийлаштириш учун ҳар ойиниг 5-санасигача Етказиб берувчига электрон газ хисобдонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни хисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини таҳдим этиш.

- газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдалашин;

- газ ҳўжалиги газ кувурлари ва ускуналарини техник жиҳатдан соз ҳолатда саклаш;

- газ тармокларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чиқиши ҳолати ҳакида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан ҳабардор килиш;

- ўзининг газ тармоклари дахлесизлигини тўъминлаш ва эҳтимоли бўлган рухсатсиз уланишларни анижаш максадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равиша кўздан кечириб чиқиш;

- газ таъминоти ташкилотлари газ тармокларига сертификатламаган, газлаштириш лойиҳасига (ЛТХ) мувофик бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл кўймаслик;

- газ етказиб берувчи вакиллари ва "Ўзнефтегазинспекция" ходимларининг (тегиши гувахнома кўрсатилган тэкдирда) табий газни истеъмол хилишини хисобга олиш приборларини ва/ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталган вақтида эркин кўздан кечиришини тъминлаш;

- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш ҳукукига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиш;

- табий газ истеъмолини хисобга олинг یرнборларн- кўреятичниорини ўзгартириш максадида уларнинг ишлашига тўскинилк қилувчи харакатларни амалга оширмаслик, уларнинг касдан бузилишига йўл кўймаслик ва ўрнатилган тамгаларнинг бутунилигини тъминлаш;

- табий газ истеъмолини хисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аникланган тэкдирда, газ тъминоти ташкилотини ўзи учун кулаг шаксида дархол хабардор килиш.

- Газ тармоги бўлиниши чегарасида табий газ сарфи бўйича маълумотларни масофадан олиш имкониятни берувчи газ истеъмолини хисобга олиш ва назорат килишининг автоматлаштирилган (ТГХНАТ-АСКУГ) тизимида уланган хисоблаш приборлари Истеъмолчи томонидан ўрнатиш..

**7.4. Истеъмолчи Етказиб берувчидан қўйидагиларни талаб килиш ҳукукига эга:**

- етказиб берилган табий газнинг аникланган ҳажмига ва бошка параметрларга норози бўлган тэкдирда, Етказиб берувчининг табий газни истеъмолини хисобга олиш приборлари ишлашининг ишонччилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;

- табний газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериши режимига риоя килган ҳолда узатилиши;

- табний газни етказиб бериш шартномаси бекор килинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўлашган суммани кайтириш;

- табний газни етказиб бериш шартномасини конун ҳужжатларига мувофик бир-томонлама бекор килиш;

- табний газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарни коплашни талаб килиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандлари бундан мустасно);

- газ етказиб беришни вактинча тўхтатишни.

Истеъмолчи конуучилик ҳужжатларида белгиланган бошка ҳукукларга эга бўлиши мумкин.

## VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

**8.1. Етказиб берувчи Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасига асоссан газ етказиб берилмаган ёки тўлиқ етказиб берилмагалиги оқибатида сткязилган моддий зарар ва бой берилган фойдани белгиланган тартибида коплайди.**

Етказиб берувчи газни етказиб бермаганилик ёки тўлиқ етказиб бермаганилик учун қўйидаги ҳолларда жавобгар хисобланмайди:

а) Истеъмолчи томонидан газ тъминоти тармокларига кўшимча газдан фойдаланиш ускунасинга рухсатсиз улаш ҳолати аниствиганда;

б) фойдаланилган газ учун тўлов амалга олирилмаганда;

в) истеъмолчи томонидан шартнома талабларига амал килинмаганида;

д) мазкур шартноманинг 2.5. ва 6.1.бандларида кўрсатилган ҳолларда.

**8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида Истеъмолчига моддий зарар етказилганда, Етказиб берувчининг мансабдор шахсига иисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баробаридан ўи беш баравари миқдорида жарима кўлланади.**

**8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тэкдирда, Етказиб берувчига иисбатан Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукукий базаси тўғрисида"ти Конуни асосида жарима санкциялари кўлланилади, қўйидаги ҳолатлар бундан мустасно:**

а) форс-мажор ҳолатлар;

б) магистрал газ кувурларида ва газ тармоқларида авария ҳолатлари юз берганди;

в) киши даврида вактинча газ етказиб бериш чекланганида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамасининг 2008 Йил 24 декабрдаги 277-сон қарорлари, шунингдек, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятларва Тошкент шаҳри ҳокимларни карорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармогидан узиб кўйилмайдиган обьектлар рўйхатига киритилган корхоналардан ташкири);

г) шартнома асосида Истеъмолчи томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаганда.

**8.4. Етказиб берилган табний газнинг сифати шартнома ёки норматив ҳужжатлар талабларига мос келмаганда, Истеъмолчи газ қабул килиш ёки унинг учун ҳақ тўлашини рад этганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми кийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлашни талаб килиш ҳукукига эга. Агар, газ киймати тўланган бўлса, Истеъмолчи Етказиб берувчидан белгиланган тартибида тўланган суммани кайтиришни талаб килиш ҳукукига эга.**

**8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Етказиб берувчи Истеъмолчига муддати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи миқдорида, бирор етказиб берилмаган газ кийматининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пения тўлайди.**

**8.6. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ ҳаки ўз вақтида тўлашимаган тэкдирда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, бирор муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пения тўлайди.**

## IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

**9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига иисбатан амалдаги коррупцияга карши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб колмасдан, барча амалдаги конун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбик этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.**

**9.2. "Истеъмолчи" "Етказиб берувчи"га мазкур шартнома доирасида қўйидагиларни кафолатлайди ва қўйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал килиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошка вакиллари), истеъмолчи мағфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат килиб, "Етказиб берувчи"нинг коррупцияга карши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча конун ва қоидаларига катъий риоя киласи.**

## X. НИЗОЛАРИН ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Келишмовчиллар ва низоли масалалар юзага келган тақдирда томонлар қоидага кура, уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

10.2 Келишмовчиллар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда жавобгар жойлашган жойдаги тегишли судга мурожаат килишга ҳаклидир.

10.3. Шартнома шартларини бир томонлама рал этиш ва бир томонлама ўзgartiriшга йўл қўйилмайди, конунда белгиланган холатлар бундан мустасно.

## XI. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

11.1. Томонлар:

а) табияй оғатлар;

б) магистрал газ кувурларида ва газ тармокларида, газни кайта ишлаш корхоналари ва газ қазиб чиқариш жойларида кутилмаган авария вазиятлари юзага келганда, шунингдек енгиб бўлмас кучлар туфайли содир бўлган табияй оғатлар, хусусан, сел, ёнгир, сув тошкни, ёнгин чикиши, ер кимирлаши, вирус тарқалиши ва пандемия дарзидаги хамда Ҳукумат карорига асосан тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажариш имкони бўлмай колганда жавобгарликка жалб этилмасдан, газ стказиб беринши тўхтатиш, кискартириш ёки муносабтларни тўхтатиш ҳукукига эга бўладилар.

11.2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келган тақдирда, тарафлар ҳар кандай алоқа воситаси ёрдамида бир-бирини хабардор килиши керак.

11.3. Агар, кўрсантилган ҳолатлар 90 кундан ортик кун мобайнида сакланиб турса, томонлар музокаралар йўли билан шартномани келгусида бажариш тўғрисидаги карор кабул киласидилар.

## XII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛНИШИ

12.1. Ушбу шартномага ўзgartiriш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиши хамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

12.2. Бюджет ташкилотлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралидаги ПК-594-сон карорига асосан Газначилик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

12.3. Шартнома 2022 йил 31 декабргача бўлган муддатга тузилган. Шартноманинг муддати тутаганидан кейин, агар томонлардан бирни шартномани бекор килиш тўғрисида талаб билан мурожаат килмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган хисобланади.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилди, шартноманинг муддати тутаганидан кейин, агар томонлардан бирни шартномани бекор килиш тўғрисида талаб билан мурожаат килмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган хисобланади. Бюджетдан маблаг олувишлар ҳар йили "2022" йил 31 декабр санаасига" амал килишлари лозим.

12.4. Томонларининг ушбу шартнома бўйича даъволари даъво кабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида кўриб чиқилади.

## XIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

13.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июндаги "Табияй газ ва электр энергиясини сотиш механизмини тақомиллаштириш бўйича

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги № 6010-сон Фармони кабул қилиниши муносабати билан Табияй газни улгуржи истеъмолчиларга стказиб бериш жарабанида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий жарабанида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори 2020 йилининг 1-ағустига кадар ижро бюросининг (БЮРО) барча ваколатлари 2020 йилининг 1-ағустига кадар амалда бўлади.

13.2. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар бирни учун иккни нусхада тузилган, иккала нусхаси хам бир хил юридик кучга эга.

## XIV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАҶИЛИ:

<p>«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»  <b>“Худудгаётаминот” АЖ</b>          Андижон газ таъминоти филиали</p> <p>Манзил: Тел./факс: <u>74-2276281</u>          №/р:</p> <p>Банк номи: <u>Ўзбекистон симони банк</u>          МФО: <u>00435</u></p> <p>ИНН: <u>306605769</u></p> <p>ОКЭД:</p> <p>ХР <u>92634000505113960315</u></p> <p>Рахбар: <u>Д.Х.Салоҳиддинов</u>          (Ф.И.Ш.)</p> <p>Имзо:</p> <p>Мурҳ ӯрни</p>	<p>“ИСТЕЙМОЛЧИ”</p> <p><u>2-СОН ҚАСБ-ХУНАР</u>  <u>САЕБАС</u></p> <p>(Бюджет ташкилотлари, хўжалик юртупчи субъектлар номи)          Почта маълумат:</p> <p>ОКПО коди:</p> <p>ОКЭД:</p> <p>Мулоқот телефони <u>99-9710429</u>          Fax/<u>13408000300100001010</u>          Банк номи: <u>Ўзарбаевий банк</u>          ХКМ          МФО <u>00014</u>          ИНН <u>201122919</u>          Ш/к <u>КХМастабЧИК 203701060</u>          №/р <u>100010860032770929010</u>  <u>79002</u></p> <p>Рахбар: <u>У.Генесанбеков</u>          (Ф.И.Ш.)</p> <p>Имзо:</p> <p>Мурҳ ӯрни</p>
--	---

Юридик маслаҳатчи хуносаси:  
Гарсизов 15.  
 (Ф.И.Ш.)

Имзо, мурҳ ӯрни

Сана)

2022 йил «21» 01 даги  
10-сон шартномага  
**ИЛОВА**

Фойдаланишга кабул келингган газдан фойдаланиш ускуналари

**РҮЙХАТИ**

Фаслият түри:

Бюджет

Кадастры №

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Табиппий газ тарифи: = 660 = сум тыйын

Н/р	Кархона, участка, иш помаг	Агрегаттар		Лейиздөвіл газ сирғаш, мкб/саат	Газды қысбага алыш приборларының тұлары
		назар	санк		
2-сары	ЦУРКОМ-2	3		101.4	
жас	ГПБ-8	1		0.95	
жұкар	ЧЕОЛНДА9	2		1.1	СТБ ВЕ
майдаңы	ЧЕОЛНДА11	1		2.7	
	КРП-4	1		1.371	80/250
	ЭКС-2.5	2		1.9	
<u>7 2 2 2</u>					
<u>7 2 2 2</u>					
<u>7 2 2 2</u>					
<u>7 2 2 2</u>					
<u>7 2 2 2</u>					
<u>7 2 2 2</u>					
<u>7 2 2 2</u>					
<u>7 2 2 2</u>					

Келешекшілдем:

